

338.24(043.3)

335(388)

К-97

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида:*  
УДК: 338.24+625.7(575.1)

**КУЧИМОВ АБДУЖАМИЛ ХАМРАҚУЛОВИЧ**  
**ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА**  
**АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИНИ БОШҚАРИШ**  
**МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**  
**(«Ўзавтойўл» ДАК мисолида)**

**08.00.13 – Менежмент ва маркетинг**

**Иқтисод фанлари номзоди**  
**илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2011



K97

Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Жиззах политехника институтида бажарилган

Илмий раҳбар:

иқтисод фанлари доктори  
Қосимова Дилором Собировна

Расмий оппонентлар:

иқтисод фанлари доктори, профессор  
Қодиров Абдурашид Мажидович;

иқтисод фанлари номзоди, доцент  
Усмонов Баходир Исламович.

Етақчи ташкилот:

Тошкент автомобил-йўллар  
институти


Диссертация 2011 йил "2" сентябрь да соат 9<sup>00</sup> да Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.067.06.01 рақамли Ихтисослашган кенгаш мажлисида ҳимоя қилинади.

Манзил: 100063, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шох кўчаси, 49.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2011 йил "17" октябрь да тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш  
илмий котиби,  
и.ф.д., профессор

  
Б. Беркинов

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари»<sup>1</sup> асарида мамлакатни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларни янада ривожлантириш навбатдаги энг устувор вазифа эканлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси, энг аввало, автомобиль йўллари ривожланиши корхоналарда ишлаб чиқаришдаги умумий харажатлар улушини камайтиради, бу эса, албатта, маҳсулотлар ва бутун иктисодиёт рақобатбардошлиги ошишида муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга, автомобиль транспорти – денгиз портларига тўғридан-тўғри чиқиш йўлларида узокда жойлашган республикаимиз иктисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назарда мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов 2010 йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидлаб ўтганидек: «... Ўзбекистон миллий автомагистрالي таркибига кирадиган автомобиль йўлларини куриш ва реконструкция қилиш, мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ўзаро ишончли боғлайдиган ягона миллий автомобиль транспорт тизимини ташкил этиш лойиҳаларини жадал амалга оширишни таъминлашга биринчи даражали аҳамият қаратилиши лозим»<sup>2</sup>.

Шуларни инобатга олиб, республикаимиз ҳукумати автомобиль йўллари сифатини янада ошириш, автотрассалар тармоғини қабул қилинган миллий ва халқаро стандартларга мувофиқ уларни реконструкция қилиш, модернизациялаш ва янги автомобиль йўллари курилишига алоҳида эътибор қаратмоқда. Ҳар йили автойўл ҳўжалигини ривожлантириш учун давлат бюджетидан қатга миқдордаги инвестициялар йўналтирилмоқда.

Автойўл ҳўжалигини ривожлантириш учун давлат томонидан ажратилаётган йирик миқдордаги сармоялар улардан самарали фойдаланишни назарда тутлади. Бу биринчи навбатда, бутун тармоқ ва унинг алоҳида кичик тизимларини ривожлантиришнинг бошқарув жиҳатлари билан боғлиқ бўлиб, машина паркини турли хилдаги замонавий юкори технологик жиҳозлар асосида янгилаш кабилардан иборатдир.

Бирок, ҳозирга қадар ушбу масалалар Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар иктисодий фанида етарли даражада ўрганилмаган. Хусусан, бу - тизимли ёндашувлар нуқтаи назаридан кўриб чиқиладиган йўл мажмуини бошқаришнинг назарий жиҳатларига ҳам, уларни транспорт мажмуини ривожлантиришнинг турли моделлари доирасида амалиётга жорий этиш масаласига ҳам тааллуқли ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, ҳозирги шароитда мазкур тадқиқот ишининг мавзуси ўта долзарб аҳамият касб этади.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқироз, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т: Ўзбекистон, 2009. – Б. 48-49.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Халқ сўзи, 22.01.2011. №16

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Транспорт тармоғи ва унинг алоҳида соҳаларини бошқариш муаммоларига кўплаб тадқиқотлар бағишланган. Автомобиль йўллари ривожланишини давлат томонидан бошқариш масалаларининг алоҳида жиҳатлари А.И.Казаринов, Г.Н.Ковшов, А.Д.Мельник, А.А.Смехов, В.Д.Фурасов, Ю.К.Поносов, Л.Я.Прунцева (транспорт ривожланишини бошқариш), Д.М.Магдиев (йўл қурилишини тартибга солиш), В.Ф.Бабков, О.А.Дивочкин, Ю.М.Ситников (йўл қурилиши сифат кўрсаткичларини бошқариш), М.А.Гасанов, Д.М.Магдиев (йўллардан фойдаланишни молиявий бошқариш), Д.А.Ендовицкий, М.И.Иванов, Б.А.Волков, В.Н.Нагин (инвестиция фаолиятини тартибга солиш), Ш.А.Шакарбеков, Е.А.Фомина, Ю.Ю.Шнейдер (йўл қурилишида тендер савдоларини ташкил этиш)<sup>3</sup> ва бошқа чет эллик олимлар тадқиқотларида ўз ақсяни топган.

Мамлакатимизда автойўл мажмуини бошқариш муаммоларига Г.Имомназаров (йўл қурилиш машиналари баҳосини шакллантириш), М.А.Икрамов, М.Ю.Исаков, З.Х.Саидов (йўл-қурилиш ишлари иқтисодий масалалари), Г.М.Қосимов, Б.Ж.Махмудов (ресурсларни бошқариш муаммолари), И.С.Содиқов, К.М.Сидиқназаров (транспорт комплексини бошқариш), Д.С.Қосимова (иқтисодийнинг реал секторини ривожлантириш масалалари), А.М.Қодиров (миллий иқтисодий рақобатбардошлигини оширишнинг инновацион омиллари), Б.И.Усмонов (қурилишни бошқариш ва прогнозлаш)<sup>4</sup> ва бошқа олимларнинг илмий ишлари бағишланган.

Бироқ, юқорида кўрсатилган ишларда янги йўл техникалари жорий этилишининг иқтисодий жиҳатлари, йўлнинг ҳаёт цикли жараёнлари тармоқни бошқариш умумий тизими масалалари билан боғланмаган ҳолда кўриб чиқилган.

<sup>3</sup> Казаринов А. И. Совершенствование управления транспортом в специфических рыночных условиях движения капитала. Дис. на соиск. учен. степени канд. экон. наук – Иркутск: изд-во Иркут. гос. ун-та, 2000. – 160 с.; Ковшов Г.Н. Моделирование основных направлений развития транспорта в системе народнохозяйственного планирования. – М.: Наука, 1985. – 198 с.; Смехов А.А. Маркетинговые модели транспортного рынка – М.: Транспорт, 1998. – 128 с.; Фурасов В.Д., Поносов Ю.К., Прунцева Л.Я. Анализ динамики развития транспортных систем США и стран Западной Европы // ВИНТИ. Транспорт: наука, техника, управление. – 2000. – № 5.; Магдиев Дж.М. Совершенствование государственного регулирования развития автодорожного строительства Автореферат диссертации на соискание уч. ст. канд. экон. наук. – Махачкала, 2002. – 25 с.; Бабков В.Ф. Трассирование автомобильных дорог. Учебное пособие. – М.: МАДИ, 1993. – 80 с.; Иванов М.И., Волков Б.А., Нагин В.Н. Основы управления производством в автоматизированные системы управления транспортным строительством. – М.: Транспорт, 1984. – 328 с.; Шакарбеков Ш.А., Фомина Е.А. Пути совершенствования подрядных торгов на выполнение дорожно-строительных работ // "Бизнес и Логистика". – Москва, 2000. – С.78-79.; Шнейдер Ю.Ю. Пути совершенствования методики оценки предложений соискателей на конкурсных торгах за право получения подряда на строительство // Конкурсные торги. – Москва, 1998. – №14 – С.36-40.

<sup>4</sup> Саидов И.С. Прогнозирование и управление транспортно-эксплуатационными качествами автомобильных дорог. – Т.: Адолат, 2004. – 230 с.; Саидов З.Х. Влияние автомобильных дорог на экономику страны. – Т.: ТАДИ, 2005. – 322 с.; Қосимов Г.М., Махмудов Б.Ж. Проблемы регионального ресурсобережения на предпринятых дорожном хозяйстве. – Т.: ФАН, 2003; Қосимова Д.С. Нефть-газ компанияларини самарали бошқариш асослари. Монография. – Т.: Фан ва технология, 2006. – 146 б.; Қадиров А.М. Методологические подходы к анализу стратегии социально-экономического развития – Доклад о Форуме экономистов Узбекистана. – Т.: ИПМИ, 2010. (3 стр.); Усмонов Б.И. Корхонада инкруза қарши бошқаришни тақомиллаштириш. Республика илмий-амалий анжумани маруза тезислари тўплами. – Т.: ТДИУ, 2011. – Б.74-75.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон автомобиль йўллари тармоғида давлат мулкчилиги устулигида маркетингнинг самарали шакллари ва усулларини танлашга нисбатан методологик ёндашувлар ҳамда унинг услубий жиҳатлари етарлича ишлаб чиқилмаган, бозор иқтисодиёти шароитида автойўл ҳўжалигини ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатлари асосан йўл-қурилиш ишларини молиялаштириш нуқтаи назаридан ўрганилган.

Шу билан бир вақтда, янги йўл техникалари сотувчилари фаолиятида инкирозий ҳолатлар ва янги тенденциялар ҳамда давлат ресурслари чекланганлиги шароитида йўл тармоғини ривожлантиришда давлат мулкнинг етакчилик ролини сақлаб қолган ҳолда, автомобиль йўл-қурилиш ишлари ва унинг техник базасини янгилашни бошқариш механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Буларнинг барчаси ушбу тадқиқот ишининг мақсади, вазифалари ва йўналиш доирасини белгилаб беради.

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Жиззах политехника институти ва Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқ.

**Тадқиқот мақсади:** иқтисодиётни модернизация қилиш босқичида автомобиль йўллари қурилиш техникалари маркетинги нуқтаи назаридан автойўл ҳўжалигини давлат томонидан бошқариш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий-услубий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари.** Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидагилар тадқиқот вазифалари ҳисобланади:

- Ўзбекистон иқтисодиёти инфратузилмасида, тармоқнинг халқаро автомобиль ташувларда рақобатбардошлигини оширишда автотранспорт сегменти ролини баҳолаш;
- Ўзбекистон иқтисодиёти автомобиль транспорти инфратузилмаси ривожланишини белгилаб берувчи омиллар ва макроиқтисодий тенденцияларни аниқлаш;
- автомобиль йўллари бошқариш тизими, транспорт тармоғи автойўл ҳўжалигида бозор муносабатларининг ривожланиш хусусиятларини тадқиқ этиш;
- автойўл тармоғи ва йўл қурилишини бошқариш тизимини ривожлантириш моделининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;
- йўл қурилишида фойдаланиладиган янги техникаларга нисбатан қўйиладиган талаблар нуқтаи назаридан автойўл ҳўжалигини ривожлантириш тенденциялари ва автомобиль йўлларининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш;
- йўл-қурилиш техникалари маркетингини ташкил этиш ва тармоқни бошқариш умумий тизимида технологик маркетингнинг ўрнини аниқлаш;
- йўл-қурилиш техникалари бозорини шакллантириш ва ривожлантириш халқаро тажрибасидан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон йўл-қурилиш техникалари бозорининг ҳолатини тадқиқ этиш;
- йўл қурилиш ишлари сармоя базаси ривожланишини давлат томонидан

бошқариш тузилмалари амалий фаолиятида технологик маркетингнинг янги усулларидан фойдаланиш асосларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти ва предмети.** «Ўзавтоўл» ДАК, хусусан, Жиззах вилояти автомобиль йўллари бошқармаси ва автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш, қуриш ва таъмирлашни амалга оширувчи йўл тармоғи корхоналари тадқиқот **объекти** бўлиб хизмат қилади.

Йўл-қурилиш техникалари самарали ишловчи таркибини шакллантириш ва ривожлантириш билан боғлиқ тармоқни бошқариш тизими ва механизмлари тадқиқот **предмети** ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот ўтказиш жараёнида тизимли таҳлил ва синтез, таққослаш, иқтисодий-статистик, эксперт баҳолаш, маркетинг тадқиқоти ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқот гипотезаси:** автоўл соҳасини бошқаришнинг назарий-услубий асослари, бошқариш моделлари ҳамда ривожланишини бошқариш стратегиясини илмий тадқиқ этилиши, бошқарув самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

**Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:** ҳимояга йўл-қурилиш техникаларини харид қилишнинг маркетинг нуқтаи назаридан йўл-қурилиш йўлларини бошқариш механизмни такомиллаштириш бўйича назарий қондалар ва амалий тавсиялар, хусусан, куйидаги ҳолатларни ўзида мужассам этган илмий ишланмалар олиб чиқилмоқда:

- автоўл тармоғини ривожлантиришнинг яқин истиқболга мўлжалланган ташқи ва ички омиллари, уни бошқариш модели;
- йўл-қурилиш техникалари паркинни техник жиҳатдан янгилаш учун йўналтирилаётган бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари таркиби;
- автоўл ҳўжалигини ривожлантириш учун янги техника етказиб берип жараёнларида ўзаро ҳамкорлик маркетинг тизимини амалиётда қўллашга нисбатан услубий ёндашув;
- йўл-қурилиш техникалари стратегик етказиб берувчисини танлаш мезонлари, мазкур техникаларга бўлган эҳтиёжлар ва унинг ҳудудий таркиби прогнози.

**Ишнинг илмий янгилиги:** иқтисодийтни модернизация қилиш босқичида муносабатлар маркетинги модели нуқтаи назаридан автомобиль йўллари ва қурилиш техникалари паркиннинг ривожланишини бошқариш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий-услубий ва амалий тавсиялар асосланганлиги ҳисобланади.

Тадқиқотнинг илмий янгилигини ташкил қилувчи асосий натижалари жумласига куйидагиларни киритиш мумкин:

- миллий автоўл тармоғи рақобатбардошлигини белгилаб берувчи асосий омиллар ва ўзгариш тенденцияларини баҳолаш услубияти ишлаб чиқилган;
- Ўзбекистон автомобиль йўллари тармоғини давлат томонидан бошқариш моделининг ўзига хос хусусиятлари тизимлаштирилган;

- автомобиль йўлларини бошқариш ва ривожлантиришнинг иқтисодий механизмларини ўз ичига олувчи модели ишлаб чиқилган;
- автомобиль йўллари тармоғини ривожлантиришни бошқариш стратегияси ва йўл-қурилиш техникалари паркини янгилашни молиялаш шакллари асосланган;
- автомобиль йўл-қурилиш техникалари маркетинг тизими таклиф этилган;
- автомобиль йўл-қурилиш техникалари бозорини сегментлаш ва ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилган;
- миллий автомагистраль инфратузилмаси объектларида иш билан бандлик вариантлар прогнози тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти** шундан иборатки, олинган натижалар давлат (вилоят) бошқарув органлари томонидан минтақаларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда автйўл мажмуининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга йўналтирилган автомобиль йўллари ривожлантириш концепциялари ва дастурларини ишлаб чиқишда, шунингдек, транспорт мажмуини бошқариш тузилмаларида маркетинг хизматларини ташкил этишда услубий асос ва амалий қўлланма сифатида фойдаланилиши мумкин.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Диссертациянинг услубий ишланмалари ва амалий таклифлари Ўзбекистон автомобиль йўлларини қуриш ва фойдаланиш Давлат акциядорлик компанияси «Жиззахавтйўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш давлат ташкилоти (далолатнома № 01-532, 29.09.2010) ва Жиззах политехника институти (далолатнома, 07.10.2010) томонидан амалиётга жорий этиш учун қабул қилинган.

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Диссертациянинг асосий хулоса ва натижалари 22-халқаро Плеханов ўқишлари (Москва, РФА, 2009), «Иқтисодий эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида иқтисодий тармоқларини барқарор ривожлантириш: ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истикболлари» (ТДИУ, 2009), «Проблемы внедрения инновационных идей, проектов и технологий в производство» (Жиззах, ЖизПИ, 2009) мавзулари бўйича бўлиб ўтган халқаро ва республика илмий анжуманларида маъруза қилинган ва ижобий баҳоланган.

Шунингдек, диссертация иши Жиззах политехника институти «Бошқарув» факультети «Иқтисодий асослари» ва «Ишлаб чиқаришни бошқариш», Тошкент давлат иқтисодий университети «Халқаро иқтисодий муносабатлар» факультети «Ташқи иқтисодий фаолият» кафедралари мажлисида ҳамда университет ҳузуридаги Д.067.06.01 рақамли ихтисослашган кенгаш илмий семинарида муҳокама этилиб, ҳимояга тавсия қилинган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот натижалари бўйича 7та илмий иш, шу жумладан 4та илмий журналларда мақолалар чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши таркибан кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан, умумий ҳажми 178 бетдан иборат бўлиб, у 24 та жадвал, 8 та расм ва иловаларни ўз ичига олган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ишнинг мақсади ва вазифалари асосланган ҳамда тадқиқот объекти, предмети ва унинг илмий – амалий аҳамияти изоҳланган.

Диссертациянинг «Автомобиль йўлларининг ривожланишини бошқариш механизмларини такомиллаштиришнинг илмий-услубий асослари», деб номланувчи 1-бобда транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг макроекономик омили, йўл-қурилиш техникалари паркинчи янгилаш нуктаи назаридан автотранспорт тизимини бошқаришнинг илмий-услубий асослари, шунингдек, Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилиш шароитида автотранспорт қурилишини кенгайтиришнинг асосий йўналишлари тадқиқ этилган.

Автотранспорт тармоғи ривожланиши бутун иқтисодиёт, хусусан, транспорт тармоғи ривожланишининг ички ва ташқи омилларига боғлиқдир. Ривожланишнинг ташқи омиллари жумласига глобаллашув жараёнлари, транспорт оқимларидаги ва улар хусусиятларидаги туб сўзгичлар билан боғлиқ ҳолатларни киритиш мумкин. Минтақавий автомобиль магистралларининг ягона транспорт тармоғига босқичма-босқич интеграциялашуви бунга асос бўлиб хизмат қилади. Бунда жаҳон ҳўжалиги алоқаларида қўйидагилар кескин ўзгармоқда:

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш, товарларни кичик бўлакларда мунтазам етказиб берувчи тармоқ тузилмаларини оптималлаштиришнинг глобал дистрибутор тармоқларни ривожлантириш билан боғлиқ логистик омиллари билан шартланган юк ташувлар таркиби, бу контейнерда ташувлар улушининг ўсишини келтириб чиқаради (бу Европанинг қатор давлатларида 50 фоизга яқинлашиб қолди);

- юк ҳўнатувчилар томонидан транспорт хизматлари сифати (хизматлар муддатлари, қиймати, ассортименти)га нисбатан қўйиладиган талаблар, бу транспорт оқимларини оптималлаштиришга бўлган эҳтиёжларни келтириб чиқаради;

- транспорт-логистика хизматлари бозорида рақобат шароитининг кескинлашуви, бу ташувлар ҳўжми ва транспорт корхоналари сони ошиб бориши билан тавсифланади;

- автотранспортнинг юк ташиш умумий ҳўжмидаги роли ва аҳамияти, қатта ҳўжмидаги юкларни ташиш имкониятига эга бўлган оғир транспорт воситалари таъсири кучаймоқда;

- транспорт инфратузилмасида хусусий ва давлат секторининг ўзаро ҳамкорлиги.

Диссертацияда ўтказилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, соҳада эришилган ютуқлардан ташқари республикада бир томондан, ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш омиллари ва, иккинчи томондан, йўл қопламаси сифат даражасини ўзгартириш билан боғлиқ бўлган автотранспорт тармоқларини такомиллаштириш учун кенг қўламли заҳиралар ҳам мавжуд.

Автомобиль йўлларининг ривожланишига қўмаклашувчи ички омиллар жумласига, бизнинг фикримизга қўра, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ривожланишининг ижобий тенденциялари, ташқи савдо фаолияти

динамикаси ва унда автотранспорт хизматлари аҳамиятининг ортиши, миграцион жараёнлар, хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожланиши киради.

Илмий иш жараёнида ўтказилган таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, Ўзбекистон иқтисодиёти реал сектори тармоқлари ривожланишининг барқарор сақланиб келинаётган юқори суръатлари, ишлаб чиқариш салоҳиятининг ривожланишига киритилаётган инвестициялар транспорт тармоғи ва унинг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланган автойўл мажмуининг ҳам мос тарзда ривожланишини назарда тутди.

Ўтказилган таҳлил натижаларида шу нарса маълум бўлдики, иқтисодиётнинг қуйидаги соҳалари транспорт хизматларининг асосий истеъмолчилари (юк жўнатувчилар ва юк олувчилар) ҳисобланишади: саноат, қишлоқ хўжалиги, шунингдек, чакана савдо. Ички ва экспорт ишлаб чиқариш эҳтиёжларини таъминловчи саноатнинг ресурс тармоқлари юк ташувларининг ривожланишида муҳим ўрин тутди. Юк ташувларининг умумий ҳажмида автомобиль транспортдан қора металл, ёғоч ва қурилиш материаллари, ғалла, пахта толасини ташишда кенг фойдаланилади. Кейинги йилларда амалда қўрилган чора-тадбирлар туфайли, иқтисодиётнинг муҳим сегменти сифатида транспорт тармоғининг устувор ривожланишини кузатиш мумкин (1-жадвал). Транспорт улуши ЯИМда 2004 йилда 9,6 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилда 11,6 фоизга тенг бўлган. Бу транспортда юк ва йўловчилар ташиш ҳажмининг ўсиши туфайли юз берган.

1-жадвал

**Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланиш кўрсаткичларининг динамикаси, (фоизда)**

Кўрсаткичлар	Йиллар							
	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010
Ялпи ички маҳсулот	104,2	107,7	107,0	107,5	109,5	109,0	108,1	108,5
Саноат маҳсулоти	103,0	106,4	107,3	110,8	112,1	112,7	109,0	108,3
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	106,8	108,3	105,9	107,1	106,1	104,5	105,7	106,8
Қурилиш	103,7	104,3	110,7	115,0	125,8	108,7	133,1	108,1
Асосий сармоёга инвестициялар	104,8	107,3	105,7	109,3	125,8	134,1	124,8	109,2
ЯИМда транспорт улуши	9,6	10,3	10,6	11,2	11,1	11,3	11,5	11,6

Манба: жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида тузилган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, транспорт тармоқларининг ривожланишида ташқи савдо алоҳида ўрин тутди. Мазкур соҳада автомобиль транспортини ривожлантириш билан боғлиқ қатор муаммолар мавжуд. Халқаро таққослаш маълумотлари шундан далолат бериб турибдики, Ўзбекистонда экспорт қилиш вақти минтақавий экспорт вақтига қараганда 2,7 марта, экспорт қиймати 1,8 марта, импорт вақти 3,4 марта, импорт қиймати эса 2,6 марта юқори. Бунда экспорт ва импорт қийматининг тахминан 11-16 фоизини ташкил қилувчи юкларни ташиш харажатларини ҳам ҳисобга олиш лозим, бу миллий маҳсулотнинг рақобатбардошлигига салбий таъсир этади.

Аҳоли даромадларининг ўсиши мамлакатда ишлаб чиқариладиган маҳсулотга бўлган талабни ошириш ва хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. ЯИМни ўстириш ва йўловчи ташувларини ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланган сайёҳлик фаолияти мазкур соҳанинг энг истиқболли йўналишларидан бири саналади.

Хорижий тажрибаларнинг кўрсатишича, йўл инфратузилмасини ривожлантириш кўпроқ экстенсив ва интенсив усуллар ҳамда уларни уйғунлаштириш орқали амалга оширилади. Бунда, муаллифнинг фикрига кўра, қуйидагилар Ўзбекистонда инвестициялашнинг базавий моделлари бўлиши мумкин: тасдиқланган миллий транспорт ва автомобиль йўлларини ривожлантириш дастури доирасида амалга ошириладиган автомобиль йўлларини қуриш, реконструкциялаш, модернизация қилиш. Ушбу жиҳатлар стратегияларни бошқариш моделини шакллантириш имкониятини беради.

Бошқарувга оид асосий тушунчалар мазмунининг таҳлили муаллифни автойўл ишлари асосий таърифлари қуйидагича ифодаланишига олиб келди. Яъни, муаллиф фикрига кўра, иктисодиёт нуктаи назаридан йўллар бир неча томондан кўриб чиқилиши мумкин:

1) улар мулкый мажмуа, жамият ва унинг алоҳида субъектлари – хўжалик ва ижтимоий тузилмалар, аҳолининг транспорт коммуникацияси эҳтиёжларини қондириш учун давлат ва хусусий сектор томонидан шаклландиган актив ҳисобланиб, улардан фойдаланиш давлатнинг норматив ҳужжатларида белгиланадиган хавфсизлик, экологик талабларга ва аҳоли турмуш тарзининг зарур сифатларига мос келиши лозим;

2) атотранспорт тузилмалари истеъмол қиладиган якуний маҳсулотни ифодалаш шакли ҳисобланади, демак, улар энг юқори самарадорлик билан ишлаб чиқарилиши керак. Йўл хизматларининг истеъмолчилари нуктаи назаридан йўл «қийматга эга эмас», чунки, унинг амортизацияси транспорт хизматлари қийматиغا киритилмайди.

Бошқарув тартиботларига таъсир кўрсатишнинг бозор жиҳати шу билан боғлиқки, йўл тармоқлари ривожланиши, муаллиф фикрича, қуйидаги бозорларнинг фаолият кўрсатиш хусусиятлари билан шартланган:

- йўл-қурилиш ишлари бозори;
- йўл-қурилиш техникалари парки бозори;
- моддий активлар ва меҳнат ресурслари бозори.

Давлат йўлларнинг мулкдори сифатида кучли мавқега эга бўлган мамлакатларда йўл инфратузилмасини шакллантириш жараёнларининг бозор хусусиятини тан олмайдиган чет эллик муаллифлар нуктаи назарини танқидий ўрганган ҳолда, диссертацияда шундай хулоса қилинадики, ушбу жараёнлар бозор хусусиятларига эга бўлиб давлат тадбиркорлиги соҳасига қиради, чунки улар тендер шартларида амалга ошириладиган йўл-қурилиш ишлари соҳасидаги шартнома муносабатлари билан боғлиқ. Бу мамлакатимизда автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш ва ривожлантириш жараёнида хусусий-давлат шерикчилиги шаклидан фойдаланиш учун муҳим шарт-шароитларни вужудга келтиради.

Ўз навбатида, автомобиль йўллари тармоғи ривожланишининг ҳозирги босқичида бозор муносабатлари иқтисодийнинг ушбу сегментининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Бизнинг фикримизга кўра, йўл ишлари бозорини, иқтисодий субъектларининг ташаббускор фаолияти асосида жамиятга зарур бўлган автомобиль йўллари тизимини шакллантириш билан боғлиқ товар-пул муносабатлари йиғиндиси сифатида изоҳлаш мумкин.

Йўл-қурилиш техникалари бозори, муаллиф томонидан, йўл тармоғининг зарур сифат кўрсаткичларини ҳамда моддий ва меҳнат сарфларидан самарали фойдаланишни таъминловчи ишлаб чиқариш воситаларини шакллантириш билан боғлиқ товар-пул муносабатлари йиғиндиси сифатида тадқиқ этилади. Йўл-қурилиш техникалари бозори жамиятнинг ҳозирги талабларига жавоб берувчи йўл маҳсулотини яратиш учун самарали ишлаб чиқариш воситаларини танлаш имкониятини белгилаб берувчи бозор сифатида ҳам кўриб чиқилади.

Автойўл инфратузилмаси ташкил этилишининг бозор хусусияти тан олинishi, йўл тармоғини бошқариш тизимида маркетинг фаолиятининг оқилона йўлга қўйилишини талаб қилади. Бизнинг фикримизга кўра, логистик ёндашувлар ёки йўл маҳсулоти ҳаёт циклини шакллантириш тартиботлари ва бунда юзага келадиган йўл-қурилиш техникалари бозори иштирокчиларининг ўзаро боғлиқ манфаатларини ҳисобга олувчи ўзаро ҳамкорлик (муносабатлар) маркетинги ёндашувлари нуқтаи назаридан кўриб чиқиладиган техник маркетинг методологияси автомобиль йўлларини қуриш ва модернизация қилишда асосий воситаларни янгилаш йўналишларини танлашнинг энг муҳим асоси бўлиши мумкин.

Муносабатлар маркетинги концепциясининг мазмуни муаллиф томонидан икки нуқтаи назардан тушунилади:

а) шерик билан узоқ муддатли ўзаро муносабатлар ва ўзаро алоқаларда (битимларда) иштирок этувчи томонлар мақсадларини қондиришга йўналтирилган концепция сифатида;


б) фирманинг барча ходимлари ичида маркетинг функцияларининг тушунилиши ва бажарилиши учун жавобгарликни тақсимлаш тамойили бўйича маркетингни ташкил этиш усули сифатида.

Шу нуқтаи назардан, муносабатлар маркетинги нафақат стратегик етказиб берувчиларни, балки, уларнинг йўл-қурилиш техникаларининг асосий конструктив унсурлари бўйича шерикларини ўз ичига олувчи узоқ муддатли алоқаларнинг шаклланишини назарда тутди. Бунда узоқ муддатли муносабатлар доирасида улар ўртасида ахборотлар билан очикча ва икки томонлама алмашиш назарда тутилади, бу келгусида шартномалар тузиш ва улар ижросини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар пасайишига ва битим бўйича барча шериклар фаолият самарадорлиги ошишига олиб келади.

Диссертациянинг «Ўзбекистонда автомобиль йўллари тармоғи ривожланишини бошқаришнинг ҳозирги ҳолати ва муаммолари», деб номланган 2-бобида автойўл тармоғининг таркибий тузилиши таҳлил қилинган, автойўлларни таснифлашнинг асосий мезонлари, автомобиль йўллари тармоғи ва йўл-қурилиш техникалари паркининг ҳозирги ҳолати, тармоқни бошқариш тизимининг устуниклари ва камчиликлари кўрсатилган.

Ўзбекистонда автомобиль йўлларининг умумий узунлиги 183,6 миң километрни ташкил этади. Шундан 23,2 фоизи умумий фойдаланишдаги йўллар, 36,6 фоизи хўжаликлараро қишлоқ йўллари, 33,6 фоизи қишлоқ ва шаҳар кўчалари, уч фоизи корхоналарга, 3,6 фоизи эса турли идораларга қаршли йўллардир (1-расм).

Автомобиль йўлларини ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари, муаллифнинг фикрига кўра, биринчи навбатда, йўл қопламасини тиклашга йўналтирилган транспорт сисъатининг стратегик ва тактик тартиботларини шакллантириш жараёнлари билан боғлиқ. Йўл тармоғини ривожлантиришнинг ҳозирги модели ҳудудлар ва хусусий секторлар тармоғини тиклаш имкониятларини кискартирган ҳолда, йўл хўжалиги реновацион йўналишларининг устуңлик қилишини назарда тутати, бу ўз-ўзидан келгусида мамлакат автомагистралларининг салоҳиятига ва умуман автойўл мажмуининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Таъкидлаш лозимки, амалдаги модель машиналар паркинни яңгилаш хусусиятини ҳам, маркетинг тадқиқотларининг тартибот моделларини ҳам белгилаб беради.



Манба: муаллиф томонидан «Ўзавтойўл» ДАК маълумотлари асосида тузилган.

### 1-расм. Республика автомобиль йўллари тармоғи таркиби

Ўтказилган таҳлил шуни кўрсатдики, амалдаги машина парки жиддий яңиланишни талаб қилади. Хусусан, Жиззах йўл бошқармасининг маълумотларига кўра, 26 хилдаги техника 12 та позиция бўйича тўлиқ амортизация қилинган (2-жадвал).

Мавжуд йўл-қурилиш техникаларининг 55 фоизи 15 йилдан ортиқ, 19 фоизга яқини 10 йилдан 15 йилгача ва 26 фоиздан кўпи 5 йилдан 10 йилгача хизмат муддатини ўтаган. Йўл-қурилиш техникалари паркиннинг асосий таркибини ташкил қилувчи экскаваторлар, автогрейдерлар, бульдозерлар, скреперлар, тягачлар, автосамосваллар ва ҳоказо техникалар энг узоқ давомли хизмат муддатини ўтаган.

«Ўзавтойўл» ДАК маълумотларига қараганда, 2010 йил ҳолатига кўра мавжуд бўлган йўл-қурилиш техникаларининг 24 фоиздан кўпи носоз бўлиб, 2/3 қисмининг фойдаланиш муддати ўтиб кетган. Шундан турли хилдаги носоз экскаваторлар 150 тани, автогрейдерлар 170 тадан кўпни, бульдозерлар 170 тага

яқинни. занжирли тракторлар 27 тани, махсус кранлар 18 тани ва трактор тиркамалари 300 тага яқинни ташкил қилади.

2-жадвал.

**«Жиззахавтойўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш давлат ташкилоти балансида турган асосий фондлар эскириши даражасининг динамикаси, (млн. сўм)**

Кўрсаткичлар	Йиллар					
	2005	2006	2007	2008	2009	2010
Ўртача йиллик баланс қиймати	4013,6	4429,4	5187,8	5571,9	7109,7	7532,0
Эскириш	2337,4	2466,9	3314,6	3768,7	4569,7	4972,0
Қолдик қиймати	1676,2	1962,4	1873,1	1803,2	2570,0	2560,0
Эскириш коэффициенти, %	58,2	55,7	63,9	67,6	64,0	66,0
Машиналарнинг яроқлилик коэффициенти, %	41,8	44,3	36,1	32,4	36,0	34,0

Манба: муаллиф томонидан «Жиззахавтойўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш давлат ташкилоти маълумотлари асосида тузилган.

Юқорида кўрсатилган ҳолатлар асосан битимлар маркетингига йўналтирилган маркетинг тадқиқотларининг умумий модели ва техникани янгилашни молиялаш муаммолари билан боғлиқ. Улар ўз навбатида миллий транспорт тармоғини шакллантиришга нисбатан ёндашувлар муаммосига бориб тақалади.

Ҳозирги вақтда амал қилиб турган бошқарув тизимида (2-расм) «Ўзавтойўл» ДАК билан Республика йўл жамғармаси фаолиятида қатор бир-бирини тақдорловчи ҳолатларни кўриш мумкин.




Манба: муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

**2-расм. Ўзбекистонда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини бошқариш тизими**

Бу янги йўллارни лойиҳалаштириш, қуриш ишларига, янги ускуналарни харид қилишни асослашга тааллуқли. Бошқарув тартиботларининг такрорланиши йўл-қурилиш ишлари ва ускуналарни етказиб бериш вақтининг узайишига олиб келади. Шуларни инобатга олганда, бизнинг фикримизча, юқорида кўрсатилган тузилмаларни ягона таркибий бўлинмага бирлаштириш зарурати ҳисобланади.

Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган автомобиль йўллари ривожланишини бошқариш модели (3-расм) қуйидаги қисмларнинг ўзaro



Манба: муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

**3-расм. Йўл хўжалигини бошқариш модели**

ҳамкорлигини назарда тутади: йўлларни ривожлантириш йўналишлари, йўл хўжалигини ривожлантириш самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатувчи тармоқни тартибга солиш ва бошқариш воситаларининг тизими.

Иқтисодий воситалар таркибида технологик маркетинг ва автомобиль йўллари тармоқларининг техник-ишлатиш хусусиятлари маркетинги қисмини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Диссертация ишида ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, пудрат ташкилотлари (корхоналар ёки йўл бошқармалари)ни режалаштириш ва улар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш соҳасида ҳам жиддий муаммолар мавжуд. Йўл хўжалигини бошқариш органлари учун тасдиқланадиган йиллик топшириқлар асосан ҳажмий ва молиявий кўрсаткичлардан иборат. Улар муайян автомобиль йўлида амалга оширилган тадбирлар, унинг техник ва фойдаланиш ҳолатида қандай ўз аксини топганлигини ва ўз навбатида, ажратилган молиявий ресурслар қанчалик самарали сарфланганлигини объектив тарзда баҳолаш имконини деярли бермайди. Йўл хўжалигини бошқаришнинг барча поғоналари ва йўл ташкилотлари учун белгиланадиган мақсадли кўрсаткичлар тизими ҳам мавжуд эмас, уларни режалаштириш, баҳолаш ва мониторингини юритиш услубияти аниқ белгилаб олинмаган. Режалаштирилаётган тадбирлар самарадорлигини баҳолашга нисбатан ёндашувлар ишлаб чиқилмаган, бу якуний натижаларга эришишга йўналтирилган тармоқни бошқариш тизimini шакллантириш имконини бермайди.

Буларнинг барчаси бошқарув жараёнлари самарадорлигини баҳолаш соҳасида янги тадқиқотларни ташкил этишни талаб қилади. Муаллиф бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари таркибига давлат харажатлари ва фойдаланувчилар, ижтимоий соҳа кўрадиган фойдани акс эттирувчи бевосита ва билвосита мезонларни киритишни таклиф қилади. Бевосита мезонлар жумласига йўлларнинг умумий узунлиги, уларнинг зичлиги, йўллар тармоғининг минтақавий тенг тақсимлаганлиги, йўллардан фойдаланиш ишларининг ҳажми, уларнинг умумий ишлар ҳажмидаги улуши, шунингдек, йўлларнинг қатор фойдаланиш хусусиятлари (давлат стандартларига мувофиқ) киритилиши мумкин. Билвосита кўрсаткичлар жумласига эса, юк айланиши, йўловчи айланиши, ташувлар ҳажми, йўл-транспорт ҳодисаларининг сони ва уларнинг оғирлик даражаси, тарифлар индексларини киритиш лозим.

Ушбу таклифлар амалга оширилиши автойўл хўжалигини ривожлантириш, уни ресурслар билан қўллаб-қувватлаш, янги автомобиль йўллари тармоқларини лойиҳалаштириш ва уларни шакллантириш мониторинги, амалдаги автомагистралларни реконструкция қилиш моделини шакллантириш йўналишлари билан боғлиқ бўлиб, унинг амалга оширилиши самарали ахборот таъминоти билан қўллаб-қувватланиши лозим.

Йўл-қурилиш ишларини амалга оширишда янги самарали техникалардан, маркетинг йўли билан бошқариш усулидан фойдаланиш чегаралари кенгайтиши, муаллиф фикрига кўра, автомагистраллар қурилиши молиявий имкониятлари кенгайтиши билан бевосита боғлиқ бўлади. Улар молиялашнинг янги самарали йўналишларидан ҳамда янги йўл инфратузилмасини шакллантиришда хусусий секторнинг фаоллигидан фойдаланиш билан шартланган.

Хусусий бизнес инвестицион фаоллигини рағбатлантириш учун муаллиф хусусий-давлат шерикчилигининг ҳуқуқий базасини шакллантириш асосида ўзаро ҳамкорлик ва ижаранинг бозор механизмидан фойдаланишни тақлиф этади. Йўллارни таъмирлаш ва сақлаб туриш соҳасида давлат томонидан кафолатли молияланувчи узоқ муддатли шартномаларга ўтиш мумкин. Бу йirik кўп функцияли йўл компанияларининг ташкил этилиши ва ривожланишини рағбатлантириш имконини беради. Республикада 2009 йилдан эътиборан жорий этилган транспорт воситалари эгаларини мажбурий сугурталаш бўйича суғурта мукофотларидан ажратмалар ҳисобидан шаклланидиган тегишли манбалар ушбу тизимнинг муҳим таркибий қисми бўлиши мумкин. Автотранспорт ва йўл-қурилиш техникаларининг эскирганлигини ҳисобга олган ҳолда, лизинг ва кредит маблағларини жалб қилиш имкониятини рағбатлантириш лозим. Хусусан, давлат уларни харид қилиш учун берилган кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг бир қисмини субсидиялаши мумкин.

Диссертациянинг «**Автойўл мажмуининг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш ва ривожланишини бошқариш механизмлари**», деб номланувчи 3-бобида автойўл хўжалигини модернизация қилиш шароитида йўл-қурилиш техникалари бозори, машиналар ва механизмларни асосий етказиб берувчилари нуқтаи назаридан йўл-қурилиш техникаларини етказиб беришнинг асосий жаҳон тенденциялари, Ўзбекистон автойўл мажмуида ўзаро ҳамкорлик маркетинги концепцияси доирасида техник маркетингнинг ҳамда миллий автомагистраль бўйлаб инфратузилма объектлари ривожланиши кўриб чиқилган.

Жиззах йўл бошқармасида йўл техникалари паркиннинг ҳолатини тадқиқ этиш натижалари шунини кўрсатдики, жисмонан ва маънан эскирган, таркибига кўра яроқсиз машиналар, механизмлар ва транспорт воситалари парки билан таъминланиш фаолият рентабеллигининг паст бўлишига олиб келади. Эскирган техникани сақлаб туриш, таъмирлаш ва ундан фойдаланиш йўл-қурилиш ташкилотларидан сметада кўзда тутилган кўра ортиқча харажатларни талаб қилади. Узоқ давр мобайнида фойдаланилганда техника унумдорлиги пасаяди.


Шундан келиб чиққан ҳолда, машина паркинни ўз вақтида янгилаш масалалари алоҳида аҳамият касб этади. Ҳозирги вақтда йўл-қурилиш техникалари бозорида машиналар ва механизмларнинг ўндан ортиқ турлари харид қилинади. Бунда техникани тендер савдолари асосида етказиб берувчи маҳаллий ҳамда хорижий ишлаб чиқарувчилар йўл-қурилиш техникаларининг асосий етказиб берувчилари ҳисобланишади.

Машина ва механизмлар етказиб берувчиларни танлаш нуқтаи назаридан тендер савдолари ўтказиш самарадорлиги техника киймати, етказиб бериш муддатлари, мамлакатдан олиб чиқиш шартлари, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлашга яроқлилик, ўқитиш учун катта миқдордаги кўшимча харажатларсиз маҳаллий ходимлар томонидан фойдаланиш имконияти каби қатор мезонларга боғлиқ. Бироқ, биз, ўтказган тадқиқот шунини кўрсатдики, техника танлашнинг умумий мезони ҳозирча ишлаб чиқилмаган. Амалиётда техника танлаш асосан, экспертларнинг эмпирик тажрибаси ва юзага келган

хўжалик алоқалари, йўл ташкилотларининг буюртмаларига асосланади, булар эса техник маркетинг самарадорлиги талабларига жавоб бера олмайди.

Маркетинг тадқиқотлари шуни кўрсатдики, етказиб берувчилар бозори асосан хорижий етказиб берувчилар ҳисобидан шаклланади. Ушбу тенденция келгусида ҳам долзарблигини сақлаб қолади, чунки, республикамизда йўл техникаларини ишлаб чиқариш ҳажми гоят чекланган.

Таҳлилларга кўра, Ўзбекистонда ҳозирги пайтда миқдор ва қиймат мезонлари бўйича ажратиладиган етказиб берувчиларнинг асосий сегментлари шаклланди (4-расм). Сотиб олинган техниканинг сони бўйича Россия корхоналари бозорнинг тахминан 28 фоизини, Германия корхоналари эса унинг 12 фоизини эгаллаган. Машина ва механизмлар сонининг ярмидан кўпи (58,0 фоизи) маҳаллий компаниялар - «ТТЗ» ОАЖ (ишлаб чиқарувчи-етказиб берувчи) ва «Олий Савдо» ХФ (етказиб берувчи-воситачи) томонидан етказиб берилади.



Манба: муаллиф томонидан «Ўзавтйўл» ДАК мияълумотлари асосида тузилган.

#### 4-расм. Сотиб олинган техниканинг сони бўйича етказиб берувчилар таркиби

Ҳозирги етказиб берувчиларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, уларни сегментлаш машиналар ва механизмларнинг тор мақсадли йўналтирилиши асосида амалга оширилади. Бунда ҳар битта техниканинг базавий нархлари кам ўзгариб туради. Нарх-наво омили хорижий етказиб берувчини танлаш учун асосий мезон бўлиб қолмоқда.

Тадқиқотлар кўрсатишича, хорижий йўл-қурилиш техникалари бозорлари ҳар хил бўлиб, улар фойдаланилган техника бозорларини, ижара ва лизинг кабиларни ўз ичига олади. Ўзбекистонда умумий фойдаланиладиган йўллар қуриш ва реконструкция қилишда асосан янги техника бозори ва қисман лизинг имкониятларидан фойдаланилади. Импорт қилинган техниканинг (пудрат ташкилотларининг ҳозирги тўлов қобилияти даражаси учун) юқори қиймати ижара бозори ривожланмаганлигининг асосий сабаби ҳисобланади. Фойдаланилган техникаларни харид қилиш кўпинча ривожланаётган давлатлар иқтисодиётига хос хусусият бўлиб, анча самарали ҳисобланади, (айрим мамлакатларда барча ускуналарнинг 20 фоизигачаси илгари фойдаланишда бўлган техникаларнинг улушига тўғри келади).

Ўзбекистон йўл-қурилиш техникалари бозорига Россия, Германия ва хитойлик техника ишлаб чиқарувчилар асосий рақобатчилар ҳисобланади.

«Ўзавтойул» ДАК экспертлари ўртасида ўтказилган сўровлар шуни кўрсатдики, Хитой техникалари таъмирлашга унчалик яроқли эмаслиги ва фойдаланиш муддатининг қисқалиги туфайли, ҳозирча йўл-қурилиш корхоналарининг эскирган ускуналарини алмаштириш учун муқобил техника сифатида тан олинмаяпти.

Муаллиф томонидан Ўзбекистон йўл-қурилиш фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи янги ёндашув таклиф этилган. Унга кўра, йўл хўжалиги даражасида принципиал жиҳатдан тенг ҳуқуқли, лекин, ўз роли ва функцияларига кўра, турлича бўлган шерикларнинг эркин боғланган, мослашувчан, горизонтал ташкил этилган тармоғи билан тавсифланувчи шакл сифатида ўзаро ҳамкорлик маркетинги, маркетингни ташкил этишнинг энг оқилона концепцияси ҳисобланади. Тартибот нуқтаи назаридан маркетинг тадқиқотлари стратегик етказиб берувчи ва уни қўллаб-қувватловчи корхона (етказиб берувчи)ни аниқлаб бериши лозим. Кейинчалик стратегик етказиб берувчи билан ҳам, уни қўллаб-қувватловчи корхона билан ҳам йўл-қурилиш ишларини сифатли амалга ошириш мақсадида ҳамкорлик тўғрисида келишувлар тузилади. Бунда йўл ишлари учун моддий ресурсларни харид қилиш жараёни юқорида кўрсатилган фаолиятни ҳам ҳисобга олиши ва унга мос келиши лозим.

Ушбу механизм нархларга асосланган бозор механизмидан шуниси билан фарқ қиладики, бизнес бўйича шерикларнинг биргаликдаги фаолиятини мувофиқлаштириш асосида интерактив ўзаро ҳамкорлик механизми ётади. Яъни, агар маркетингнинг анъанавий концепциясида айирбошлаш муайян вақтда харидор ва сотувчи эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилса, ўзаро ҳамкорлик маркетинги концепцияси доирасида айирбошлаш ролининг ўзи ўзгаради. Айирбошлаш бир шерик ресурслари ва фаолиятини бошқа шерикнинг ресурслари ва фаолияти билан мувофиқлаштириш учун хизмат қилади. Бунда номоддий ресурслар – бутунги кунда рақобат курашида ҳал қилувчи аҳамиятта эга бўлган билимлар, техник ва бозор ахбороти билан алмашиш биринчи ўринга чиқади.

Муносабатлар маркетингини таъминлашнинг умумий ахборот тизими, муаллифнинг фикрига кўра, қуйидаги мақсадларни кўзлайди:

- ускуналар сотувчилари ва уларнинг етказиб берувчилари билан тезкор муносабатларни ўрнатилиши имкониятини таъминлаш;

- етказиб берувчилар имкониятлари ва уларнинг техникани модификациялашда йўл корхоналарининг талабларини киритишга тайёрлигини аниқлаш мақсадида етказиб берувчилар билан ўзаро ҳамкорлик тизимини қўллаб-қувватлаш;

- тармоқ раҳбариятига техника ва эҳтиёт қисмларни, таъмирлаш учун материалларни харид қилишга бўлган эҳтиёжлар, машиналар паркинни янгилаш прогнозлари тўғрисидаги таҳлилий ҳисоботларнинг тақдим этилишига кўмаклашиш;

- йўл-қурилиш ишларини амалга оширишнинг янги технологик ечимлари ва бунинг учун талаб этиладиган техника ҳақида хабардор қилиш.

Бунда ахборот шаклларининг қуйидаги янги турларидан фойдаланиш таклиф этилади: «техниканинг эксплуатацион харитаси», «ускуналарнинг қафолатли турлари ҳақидаги ахборот варақаси», «таҳлилий шакл». Диссертацияда ушбу шаклларнинг мазмуни очиб берилган.

Умуман олганда, тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, муносабатлар маркетинги концепцияси ва стратегик муносабатларни шакллантириш учун тармоқли ёндашувдан фойдаланиш йўл-қурилиш техникалари етказиб берувчилар билан ўзаро ҳамкорликнинг энг самарали шакли ҳисобланади.

Ўзбекистонда автомобиль йўллари ривожлантиришга нафақат ички ёки ташқи юклар ташишни кенгайтириш, балки, бутун автомобиль йўли бўйлаб хизмат кўрсатиш инфратузилмаларини барпо этиш орқали аҳоли бандлиги ва улар даромадларини оширишнинг яна бир манбаси сифатида қаралади.

Мамлакатимиз Президенти И.Каримов ўз маърузаларида<sup>5,6</sup> ишлаб чиқариш инфратузилмаларини, айниқса, автомобиль йўллари қуришни ривожлантириш янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим манбаси эканлигини алоҳида таъкидлаган эдилар. Шуларни инобатга олиб, диссертацияда Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб жойлаштирилган инфратузилма объектларида доимий иш билан банд бўладиган мутахассис ва ишчиларга талабни эксперт баҳолаш усули билан прогноз вариантлари ишлаб чиқилган (3-жадвал).

3-жадвал

**Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл четида инфратузилма ва сервис объектларида мутахассисларга бўлган талабнинг прогноз кўрсаткичлари**

Инфратузилма ва сервис объектлари	Объектлар сон <sup>*</sup>	Малакали мутахассисларга бўлган талаб, (киши)					Хизмат кўрсатувчи ишчиларга бўлган талаб, киши	Жами талаб, киши
		2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.		
Кемпинглар	19	21	32	16	8	8	145	230
Кичик меҳмонхоналар	18	18	25	50	12	10	160	275
Енилги қуйиш ва газ тўлдирувчи шохобчалар	85	90	50	20	10	10	230	410
Техник ва тиббий ёрдам шохобчалари	78	72	84	80	70	22	207	535
Автомобилларни қисқа муддатга тўхтагиш майдонлари	62	36	22	32	28	20	247	385
Йўл четидаги туризм инфратузилма объектлари	9	14	18	14	8	6	175	235
<b>Жами</b>	<b>271</b>	<b>251</b>	<b>231</b>	<b>212</b>	<b>136</b>	<b>76</b>	<b>1164</b>	<b>2070</b>

Маба: муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилган.

<sup>\*</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда инфратузилма, транспорт ва коммуникациялар қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида”ги 2010 йил 12 декабрь ПҚ-1446 Қарори маълумотлари.

<sup>5</sup> Каримов И.А. Жаҳон моллий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

<sup>6</sup> Каримов И.А. Асосий вазиғамиз – Ватанимиз тараққийети ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришди. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

Прогноз ҳисоб-китоблари учун асос қилиб, 2011-2015 йиллар мобайнида қуриладиган инфратузилма объектлари сони ҳамда хизмат кўрсатиш учун энг зарур бўлган маълум ихтисосликка эга мутахассисларнинг норматив кўрсаткичлари олинди.

Ўзбекистон миллий автомагистрالي бўйлаб янги жойлаштириладиган 271 та хизмат кўрсатиш инфратузилма объектларида (биринчи вариант) 2011-2015 йилларда 906 та олий ва ўрта малакали мутахассислар, жами ишчилар билан 2070 киши талаб этилади. Талаб этиладиган мутахассисларнинг 12-15 фоизи иш ташкил этувчи – бошқарувчи менежерлари бўлиб, қолганлари касбий ихтисосликка эга мутахассислар бўлиши лозим.

Ҳисоб-китобларга кўра, ҳамма талаб этиладиган мутахассисларнинг 694 нафари ёки 76,6 фоизи 2011-2013 йилларга тўғри келади. Кейинги даврларда (2020 йилгача) йўл чети инфратузилма объектлари кенгайиши, минтақалараро ички ва ташқи алоқаларнинг ривожланиши билан қўшимча 1080 нафар ихтисосликка эга бўлган мутахассис талаб этилади.

Шу билан миллий автомагистраль бўйлаб қурилган янги инфратузилма объектларида банд бўладиган малакали мутахассислар сони 3150 кишидан ортиши кутилади ёки ҳар 20 км йўл бўйидаги инфратузилмада 16-25 нафаргача турли тоифадаги мутахассис банд бўлиши мумкин.

Ушбу маълумотлар асосида «Жиззахавтойўл» ҳудудий бошқармасига қарашли миллий автойўл қисмида инфратузилма объектларида 2011-2015 йилларда иш билан банд аҳоли сони прогноз қилинган. Унга кўра, вилоят ҳудудидаги автомагистраль йўли бўйлаб янги ишга тушириладиган хизмат кўрсатиш инфратузилма объектларида 220-345 нафар мутахассис иш билан банд бўлиши мумкин.

## ХУЛОСА

1. Йўл-қурилиш ишларининг ишлаб чиқариш базаси янгиланишини жадаллаштириш имкониятлари нуқтаи назаридан автойўл хўжалигини бошқариш муаммоларини тадқиқ этиш натижалари шунини кўрсатдики, улар республика иқтисодийтини ривожлантириш муаммолари ҳамда тармокни ривожлантиришнинг умумий масалалари ўзаро боғлиқдир. Шуларни инobatга олиб, уларга тизимли баҳо бериш ва тармоқ бошқарилишини ҳам, юқори самарали ва рақобатбардош йўл-қурилиш техникаларини кенг қўламда жалб этиш соҳасидаги маркетинг фаолиятини ҳам такомиллаштириш ислохотларнинг ҳозирги босқичидаги устувор вазифалар каторига киради.

2. Йўл мажмуи ривожланиши автомобиль транспорти ташувларининг ривожланишидаги янги иқтисодий ҳолатларни ҳисобга олишни талаб қилади. Ушбу иқтисодий ҳолатлар юк ташувлари сифат кўрсаткичлари ўзгаришида, минтақалараро транспорт оқимларида, юк жўнатувчилар ва йўл хизматлари кўрсатувчилар ўртасидаги юқори рақобатда намоён бўлади. Бу миллий транспорт тармоғи ривожлантирилишини, янги самарали ишлаб чиқариш воситалари ва йўл ишларини амалга ошириш технологияларидан фойдаланиш асосида унинг рақобатбардошлиги оширилишини талаб қилади. Шуларни

ҳисобга олиб диссертацияда автомобиль йўллари рақобатбардошлигини белгилаб берувчи омиллар ва уларнинг ўзгариш шарт–шароитлари баҳоланган.

3. Ўзбекистон автомобиль йўллари тармоғини ривожлантиришни бошқарув вазибалари, миллий стратегик режалаштириш умумий тизими бошқичлари, шунингдек, автйўл хўжалигини ривожлантириш, уни ресурслар билан қўллаб-қувватлаш, янги автомобиль йўллари тармоқларини лойиҳалаштириш ва уларни шакллантириш мониторинги, амалдаги магистралларни реконструкция қилиш моделини шакллантириш йўналишлари билан боғлиқ бўлиб, унинг амалга оширилиши самарали ахборот таъминоти билан қўллаб-қувватланиши лозим. Диссертацияда Ўзбекистонда автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилишнинг асосий йўналишлари тахлил қилиниб, бошқарув объекти сифатида йўл тармоқларининг ўзига хос хусусиятлари кўрсатиб берилган.

4. Автомобиль йўлларининг ривожланишини бошқариш модели қуйидаги қисмларнинг ўзаро ҳамкорлигини назарда тутди: йўллари ривожлантириш йўналишлари, йўл хўжалигини ривожлантириш самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатувчи тармоқни тартибга солиш ва бошқариш воситаларининг тизими. Иқтисодий воситалар таркибида технологик маркетинг ва автомобиль йўллари тармоқларининг ўзига хос техник-эксплуатация хусусиятлари маркетинги қисмларини алоҳида ажратиш мумкин.

5. Технологик маркетинг, ўз аҳамиятига кўра, йўл инфратузилмасини ривожлантириш учун давлат томонидан киритиладиган инвестициялар билан шартланган бўлиб, улар миқдори ҳозирги даврда ЯИМнинг тахминан 1,2 фоизини ташкил қилади. Шу билан бирга, йўл-қурилиш техникалари бозори фаолият кўрсатишининг бошқарув жиҳати йўл маҳсулотининг ҳаёт циклини шакллантириш тартиботларини ва бунда юзага келувчи йўл-қурилиш техникаси бозори иштирокчиларининг ўзаро боғлиқ манфаатларини ҳисобга олувчи ўзаро ҳамкорлик технологик маркетингининг оқилона ташкил этилишига боғлиқ. Шуларни инобатга олиб илмий ишда технологик маркетингнинг чет эл тажрибалари ўрганилган ҳамда тармоқни бошқариш тизимида унинг ўрни аниқлаб берилган.

6. Йўл тармоғини ривожлантиришнинг ҳозирги модели ҳудудлар ва хусусий сектор тармоғини тиклаш имкониятларини қисқартирган ҳолда, йўл хўжалиги реновацион йўналишлари устунлик қилишини назарда тутди, бу – ўз-ўзидан келгусида мамлакат автомагистраллари салоҳиятига ва умуман, автйўл мажмуи ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

7. Хорижий йўл-қурилиш техника бозорлари тенденцияларини тадқиқ этиш натижалари шунини кўрсатдики, техниканинг сифат кўрсаткичларини ошириш асосида етказиб беришлар қиймати ўсиши, камроқ сармоя талаб қилувчи, лекин, турли хил йўл шарт-шароитларидан фойдаланишнинг кенг қўламли имкониятларига эга бўлган кичик йўл техникалари улуши ортиши, шунингдек, техникани харид қилишнинг турли шакллари (ижара, фойдаланилган техника бозори, лизинг)дан фойдаланиш устунлик қилади. Ўзбекистонда умумий фойдаланиладиган йўллар қуриш ва реконструкция қилишда асосан янги техника бозори ва қисман лизинг имкониятларидан

фойдаланилади. Импорт қилинган техниканинг (пудрат ташкилотларининг ҳозирги тўлов қобилияти даражаси учун) юқори қиймати ижара бозори ривожланмаганлигининг асосий сабаби ҳисобланади. Фойдаланилган техникаларни харид қилиш кўпинча ривожланаётган давлатлар иқтисодиётига хос хусусият бўлиб, анча самарали ҳисобланади. Айрим мамлакатларда барча ускуналарнинг 20 фоизигачаси илгари фойдаланишда бўлган техникаларнинг улушига тўғри келади.

8. Маркетинг тадқиқотлари ташкил этилишида ўзаро ҳамкорлик маркетинги концепциясидан фойдаланиш куйидагиларни назарда тутди:

1) аниқ белгиланган мезонлар асосида техникалар танлаш;

2) стратегик етказиб берувчиларни танлаш ва янги техникалар олиш билан боғлиқ битимлар бўйича шерикларнинг ҳар бирига стратегик мақсадларга эришиш, қўшма ресурслардан фойдаланишни мувофиқлаштириш ва трансакция харажатларини оптималлаштириш имконини берувчи ишончли, узок муддатли фаолият кўламларини ўзида намоён этувчи стратегик муносабатларни шакллантириш.

Уларни шакллантиришда стратегик уйғунликка эришиш (бизнеснинг умумий маданияти, вазифалари ва мақсади) омиллари, етказиб берувчилар менежменти ваколатлари ва улар томонидан ўзаро боғлиқликнинг тан олинishi, мослашувчанлиги ва юзага келадиган муаммоларнинг биргаликда ҳал этилишига тайёрлиги ҳисобга олинishi назарда тутилади.

9. Маркетинг тадқиқотлари ривожланиши тармоқнинг бошқариш тузилмасидаги ўзгаришларни назарда тутди, бу эса Автомобиль транспорти агентлиги ташкил этилишини талаб қилади. Бу жиҳат янги техникалар харид қилиш имкониятлари ҳамда йўл қурилишида хусусий сармоянинг иштирок этиши кенгайтирилишини талаб қилади, бу амалиётда халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, пулли автойўлларнинг ташкил этилиши, концессиялар, хусусий-давлат шерикчилигини ривожлантириш асосида ижара муносабатларида ўз аксини топмоқда.

10. Диссертацияда йўл-қурилиш техникаларини стратегик етказиб берувчини танлашни баҳолаш мезонлари таклиф этилган. Улар таркибига куйидаги кўрсаткичларни киритиш мумкин: ускунанинг унумдорлиги; ускунанинг таъмирлашга яроқлилиги ва хизмат қилиш муддати; кафолатлар ва сервис; техникани харид қилувчилар билан тескари алоқа имкониятлари ва уларнинг мунтазамлиги; етказиб берувчи бизнес-мухити харидорнинг бизнес-мухитига мос келиши; менежмент тизимларини сертифицикациялаш; машиналардан максимал режимда (2-3 смена) ишлаш учун фойдаланиш имконияти; эҳтиёт қисмлар етказиб берувчилар ва уларнинг ишлаб чиқарувчи билан алоқалари хусусияти; эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни янгилаш даражаси; ходимларни ўқитиш имкониятлари; ходимлардан талаб этиладиган малака.

11. Диссертацияда йўл-қурилиш техникалари таркибининг таҳлили асосида республиканинг узок муддатга мўлжалланган йўл-қурилиш техникаси, машина ва механизмларига бўлган меъёрий эҳтиёжи прогнози амалга

оширилди. Унга қўра қутилаётган ишлар ҳажмидан йўллارни қайта қуриш ва янгиларини қуриш ишлари учун 1800 тадан ортиқ, капитал ва ўрта таъмирлаш учун 2600 та, йўллارни сақлаб туриш учун 1000 тадан ортиқ техника, машина ва механизмлар талаб этилади. Ушбу талабни молиялаштириш турли манбалар ҳисобидан амалга оширилишини инobatга олиб, уларни ҳарид қилишнинг устивор йўналишларини белгилаб олиш муҳим вазифа ҳисобланади.

12. Илмий ишда Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл четида инфратузилма ва сервис объектларини ривожлантириш йўналишлари таҳлил қилиниб, уларда 2011-2015 йилларда ишчи ва мутахассисларга бўлган талаб прогноз қилинган. Прогноз ҳисоб-китобларига қўра, талаб этиладиган мутахассисларнинг 12-15 фоизи иш ташкил этувчи – менежерлар бўлиб, қолган қисми касбий ихтисосликка эга мутахассислар бўлиши лозим.

## **ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИЛМИЙ ИШЛАР РЎЙХАТИ**

1. Кучимов А.Х. Рынок дорожно-строительной техники Узбекистана. / «Двадцать вторые международные Плехановские чтения» тезисы докладов. – М.: изд-во РЭА, 2009. – С. 251.

2. Кучимов А.Х. Управление сетью автомобильных дорог и система финансирования дорожного строительства в Узбекистане. / «Иқтисодий эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида иқтисодий тармоқларини барқарор ривожлантириш: ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари» мавзусидаги илмий-амалий анжуман маъруза тезислари тўплами. – Т.: ДДИУ, 2009. – Б. 29-32.

3. Кўчимов А.Х. Ўзбекистонда автомобиль йўллари тармоғи, уларни бошқариш ва молиялаштириш тизими. / Сборник тезисов республиканской научно-технической конференции на тему: «Проблемы внедрения инновационных идей, проектов и технологий в производство». – Жиззах: ЖизПИ, 2009. – Б. 465-467.

4. Кўчимов А.Х. Инфратузилма ривожланишида автомобиль йўлларининг ўрни // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиғи» –Тошкент, 2009. - №12. – Б. 33.

5. Кучимов А.Х. Роль технологического маркетинга взаимодействия в управлении развитием автодорожного хозяйства // «Экономика и финансы» – Москва, 2009. - №14. – С. 51-52.

6. Қосимова Д., Кўчимов А. Автомобиль йўллари инфратузилмаларини ривожлантириш ва аҳоли бандлиғи // «Иқтисодий ва таълим» – Тошкент, 2011. - № 3. – Б.48-50.

7. Кўчимов А.Х. Автомобиль йўллари инфратузилмаларини ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш йўналишлари // «Биржа-эксперт» – Тошкент, 2011. - № 4. – Б. 25-26.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Кўчимов Абдужамил Ҳамракуловичнинг 08.00.13 – «Менежмент ва маркетинг» ихтисослиги бўйича «Иқтисодийetni модернизациялаш шароитида автомобиль йўлларининг ривожланишини бошқариш механизмларини такомиллаштириш («Ўзавтойўл» ДАК мисолида)» мавзусидаги диссертациясининг

## РЕЗЮМЕСИ

**Таянч сўзлар:** авто йўл тармоғи, йўл ишлари бозори, йўл-қурилиш техникаси бозори, муносабатлар маркетинги, бошқарув механизми, технологик маркетинг, стратегик альянс, автомагистрал инфратузилмалари, ривожланиш стратегияси.

**Тадқиқот объект:** «Ўзавтойўл» ДАК, хусусан, Жиззах вилояти автомобиль йўллари бошқармаси ва автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш, қуриш ва таъмирлашни амалга оширувчи йўл тармоғи корхоналари.

**Ишнинг мақсади:** иқтисодийetni модернизация қилиш босқичида автомобиль йўллари қурилиш техникасининг маркетинги нуқтаи назаридан автойўл хўжалиги ривожланишини давлат томонидан бошқариш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий-услубий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот методлари:** тизимли таҳлил ва синтез, таққослаш, иқтисодий-статистик, эксперт йўли билан баҳолаш, маркетинг тадқиқоти усуллари.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгиллиги:** миллий автойўл тармоғи рақобатбардошлигини белгилаб берувчи асосий омиллар ва ўзгариш тенденцияларини баҳолаш услубияти ишлаб чиқилган; Ўзбекистон автомобиль йўллари тармоғини давлат томонидан бошқариш моделининг ўзига хос хусусиятлари тизимлаштирилган; автомобиль йўлларини бошқариш ва ривожлантиришнинг иқтисодий механизмларини ўз ичига олувчи модели ишлаб чиқилган; автомобиль йўллари тармоғини ривожлантиришни бошқариш стратегияси ва йўл-қурилиш техникалари паркинги янгиланиш молиялаш шакллари асосланган; автомобиль йўл-қурилиш техникалари маркетинг тизими таклиф этилган; автомобиль йўл-қурилиш техникалари бозорини сегментлаш ва ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилган; миллий автомагистраль инфратузилмаси объектларида иш билан бандлик вариантлар прогнози тавсия этилган.

**Амалий аҳамияти:** ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар давлат (вилоят) бошқарув органлари томонидан минтакаларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, автойўл мажмуининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга йўналтирилган автомобиль йўллари қурилишини ривожлантириш концепциялари ва дастурларини ишлаб чиқишда, шунингдек, транспорт мажмуини бошқариш тузилмаларида маркетинг хизматларини ташкил этишда назарий асос ва амалий қўлланма сифатида фойдаланилиши мумкин.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** тадқиқот натижалари Ўзбекистон автомобиль йўлларини қуриш ва фойдаланиш Давлат акциядорлик Компанияси «Жиззахавтойўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш Давлат ташкилоти (№ 01-532 29.09.2010) ва Жиззах политехника институти (07.10.2010) томонидан амалиётга жорий этиш учун қабул қилинган.

**Қўлланиш соҳаси:** автомобиль йўлларини ривожлантириш ҳамда бошқариш механизмларини такомиллаштириш жараёнларида.

## РЕЗЮМЕ

диссертации Кучимова Абдужамил Хамракуловича на тему: «**Совершенствование механизмов управления автомобильными дорогами в условиях модернизации экономики (на примере ГАК «Узавтоул»)**» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.13 – «Менеджмент и маркетинг»

**Ключевые слова:** сеть автомобильных дорог, рынок дорожных работ, рынок дорожно-строительной техники, маркетинг отношений, механизм управления, технологический маркетинг, стратегический альянс, инфраструктура автомагистрали, стратегия развития.

**Объект исследования:** ГАК «Узавтоул», включая управление по автомобильным дорогам Джизакского вилоята и предприятия по эксплуатации, строительству и ремонту автомобильных дорог.

**Цель работы:** разработка научно-методических и практических рекомендаций по совершенствованию механизмов государственного управления автодорожным хозяйством с точки зрения маркетинга строительной техники автомобильных дорог на этапе модернизации экономики.

**Методы исследования:** системный анализ и синтез, сопоставление, экономико-статистический анализ, экспертная оценка, маркетинговые исследования.

**Полученные результаты и их новизна:** разработана методика оценки основных факторов конкурентоспособности национальной автодорожной сферы и тенденций их изменений; систематизированы особенности модели государственного управления сферой автомобильных дорог Узбекистана; разработаны модель, включающая управление автомобильными дорогами и экономические механизмы ее развития; обоснованы стратегия управления развитием автодорожной сети и формы финансирования обновления парка дорожно-строительной техники; предложена система маркетинга автомобильной дорожно-строительной техники; разработана стратегия сегментации и развития рынка автомобильной дорожно-строительной техники; предложены прогнозные варианты занятости в объектах инфраструктур национальной автомагистрали.

**Практическая значимость:** разработанные научно-практические рекомендации могут быть использованы в качестве теоретической основы и практического пособия при разработке государственными органами управления и органами управления вилоята концепций и программ развития строительства автомобильных дорог, направленных на обеспечение эффективной деятельности автодорожного комплекса, учитывая особенности регионов, а также при организации маркетинговых услуг в структурах управления транспортного комплекса.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** результаты исследования приняты к внедрению на практике Государственным предприятием по эксплуатации региональных дорог «Джизакавтоул» Государственной акционерной компании по строительству и эксплуатации автомобильных дорог Узбекистана (№ 01-532 29.09.2010) и Джизакским политехническим институтом (07.10.2010).

**Область применения:** в процессе совершенствования механизмов управления и развития автомобильных дорог.

## RESUME

Thesis of A.Kuchimov on the scientific degree competition of the doctor of philosophy in economic on specialty 08.00.13 «Management and marketing»

subject:

**«Development of mechanisms of management of highways in conditions of modernization of economy (on an example the State Joint-Stock Company «Uzavtoyol»)**

**Key words:** network of highways, market of road works, market of road-building technique, marketing of relations, management mechanism, technological marketing, strategic alliance, highway infrastructure, development strategy.

**Subjects of research:** the State Joint-Stock company «Uzavtoyol», including management on highways Djizzak area and the enterprises for operation, building and repair of highways.

**Purpose of work:** working out of scientifically-methodical and practical recommendations on perfection of mechanisms of administration of road economy from the point of view of marketing of building technique of highways at stage of modernization of economy.

**Methods of research:** system analysis and synthesis, comparison, economic-statistical, expert evaluation, marketing research.

**The results obtained and their novelty:** the methodology of estimation major factors of competitiveness of national road sphere and tendency of their changes has been worked out; features of model of state administration of highways' sphere of Uzbekistan have been systematized; the model including management by highways and economic mechanisms of its development has been elaborated; the strategy of management of road network' development and the forms of funding of renewal of road-building technique's development have been grounded; the marketing system of road-building technique has been proposed; the strategy of segmentation and development of road-building technique's market has been worked out; the prognosis options of employment in units of national highways have been proposed.

**Practical value:** the elaborated scientific-practical recommendations can be used as a theoretical basis and the practical manual in working out by state administration bodies and of areas the concepts and programs of development of building of highways directed on maintenance of effective activity of road complex, considering features of regions, and also at organization of marketing services in structures of management of transport complex.

**Degree of embed and economic effectivity:** results of research have been accepted for introducing in practice by the State enterprise for operation of regional roads «Djizzakavtoyol» by the State joint-stock company on building and operation of highways of Uzbekistan (No 01-532 from 29.09.2010) and Djizzak polytechnical institute (07.10.2010).

**Field of application:** in process of perfection of mechanisms of management and development of highways.

---

Босишга рухсат этилиди: 25.10.2011.

Ҳажми: 1. Адади: 100. Буюртма: № 98.

“Top Image Media” босмаҳонасида босилди.

Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74-уй.